

Қурбонликнинг савоби



11:12 / 28.08.2017 7550

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар:
«Одамзот қурбонлик куни қон оқизишдан кўра Аллоҳга маҳбуброқ иш қилган эмас. Қиёмат куни улар (қурбонлик қилинган ҳайвонлар) шохи, жуни ва туёқлари билан келишади (ва гувоҳлик беришади. Қурбонлик сўйилган пайтда) қон ерга тушмай туриб (унинг савоби) Аллоҳнинг ҳузурига етиб боради. Уни чин кўнгилдан қилинглр».**

Термизий ривоят қилган.

1. Ҳайит ва ундан кейинги уч кунда – ташриқ кунларида қурбонлик қилишга имконияти бор бўла туриб, ўзларини унинг ажридан маҳрум қилаётганларга қурбонлик қилиш лозимлигини таъкидлаймиз.
2. Бу кунларда фақирларга садақа қилиш, аҳли оилага кенгчилик қилишнинг ажри улуғдир. Аммо бу ишлар қурбонликнинг ўрнини босмайди, чунки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам жуда кўп ҳадисларида садақа қилиш билан бирга қурбонлик қилишга алоҳида буюрганлар.

3. Қурбонлик қилишни истаган, лекин қурбонлик қилишга қурби етмаганларга маслаҳат: оиладаги фарзандлар бир қурбонликка ярайдиган жонлиқнинг пулини тўплаб, отасига ёки онасига ҳадя қилишсин. Ота ёки она бу пулга бир жонлиқ олиб, қурбонлик қилсин. Сўяётганда «Аллоҳим, бу қурбонлик менинг ва менга бу жонлиқнинг пулини ҳадя қилган оила аъзоларимнинг номидан. Уни биздан қабул қилгин», деб сўйсин. Шу залда ҳар йили навбат билан оила аъзоларининг бирига жонлиқнинг пулини ҳадя қилиб боришсин. (Бу иш мажбурий эмас, балки қурбонлик қилишга қодир бўлмаганлар учун бир имконият, холос).

4. Фуқоҳолар «Қўйда шерик бўлиш жоиз эмас», дейишган, яъни икки ва ундан кўп одам шерик бўлиб, қўйни қурбонлик қилиши жоиз эмас. Юқорида зикр қилган масалада эса шериклик йўқ, чунки унда жонлиқнинг пулини тўплаб, бир одамга ҳадя қилинади.

Аллоҳ таоло сизу биздан солиҳ амалларни қабул айласин!

Доктор Муҳаммад Содик Дарвеш

Муҳаммад Али Муҳаммад Юсуф таржимаси